



Савол:

Қўлтиқни соч-соқол қирадиган тиф билан қириб тозаласа бўладими?

Жавоб:

Алҳамду лиллаҳ, вас-солату вас-саламу ала расулиҳи ва алиҳи ва соҳбиҳи, ва баъд..Бўлади. Чунки, матлуб қўлтиқ остидаги тукларни кетказишидир, уни юлиш, қириш ё бошқа йўл билан кетказишининг зарари йўқ. Имкони бўлса, юлган яхши. Чунки, ҳадисда келганки: «Бешта нарса фитратдандир: хатна қилиш, аврат тукларини тозалаш, тирноқ олиш, қўлтиқ тагидаги тукларни юлиш ва мўйловни қисқартириш» (Бухорий: №5889, Муслим: №620). Тавфиқ Аллоҳдандир. Аллоҳ таоло Пайғамбаримизга ҳамда у зотнинг аҳли ва асҳобига саловоту саломлар йўлласин.

(Илмий Тадқиқотлар ва Фатво бериш Доимий Қўмитаси: 5/171).